

Хунармандчиликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 ноябрь куни хунармандчиликни янада ривожлантириш, хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Мамлакатимизда хунармандлик азалдан яхши ривожланган. Болалиқдан хунар ўрганиш, яратган маҳсулоти ва меҳнати билан одамларга наф келтириш халқимизнинг миллий қадриятига айланган. Хунар турлари асрлар давомида кенгайиб, янги йўналишлар ва мактаблар билан бойиб борган. Маълумотларга кўра, бугунги кунда юртимизда хунармандликнинг 34 тури мавжуд.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш йўлида яратилган имкониятлар самарасида хунармандлик равнақига кенг йўл очилди. Республика "Хунарманд" уюшмаси, жойларда эса унинг бўлимлари ташкил этилди. Бир пайтлар уста ва хунармандлар ўзлари яратган буюмларни сотиш, намойиш этишда турли тўсиқларга учраган бўлса, бугун ҳар бир туман ва шаҳарда хунармандлар марказлари фаолият юритмоқда, бозорлар ва савдо мажмуаларида махсус савдо расталари ташкил этилган.

Хунармандлик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сулолалар фаолияти қўллаб-қувватланмоқда. Улар "устоз-шогирд" анъанаси асосида ёш авлодга ўргатилмоқда.

Хунармандлик харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, халқимиз фаровонлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев хунармандчиликни янада ривожлантириш, хунармандларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Йиғилишда халқ хунармандлиги ва амалий санъатини ривожлантириш, улар томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Хунармандларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш, бунинг учун уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, соҳага халқаро молия институтлари инвестицияларини жалб этиш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси, "Микрокредитбанк" раҳбарлари ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари зиммасига ҳудудларнинг ўзига хос хусусият ва анъаналаридан келиб чиқиб, туманлар кесимида аниқ режа ишлаб чиқиш, ҳар бир хунармандга етиб бориш вазифаси қўйилди.

Хунармандларни давлат рўйхатидан ўтказиш, уларга бўш турган биноларни имтиёзли равишда бериш, асбоб-ускуна ва хомашё материаллари билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Хунармандлар марказлари фаолиятини кенгайтириш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни харидорларга етказишни осонлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. Хусусан, қўли гул усталарнинг ўз маҳсулотларини бозор ва супермаркетларда сотиши учун кенг имконият яратиш зарурлиги, хоҳласа ўз хонадонида дўкон очиши мумкинлиги таъкидланди. Доимий савдо жойига эга бўлмаган, вақтинчалик жойларда савдо қилаётган хунармандларга савдо қилиш қоидалари асосида талаб этиладиган касса аппарати ва савдо терминалидан фойдаланиш ҳамда тижорат банкларига савдодан тушган нақд пулни инкассация қилиш талаблари ихтиёрий этиб белгиланади.

Йиғилишда берилган топшириқларга мувофиқ, ҳар бир вилоятда махсус кўرғазма ва ярмаркалар ташкил этилиб, уларда хунармандлар бепул иштирок этади. Шунингдек, уларнинг хорижий давлатларда ўтказиладиган кўрғазма, фестиваль ва ярмаркаларда қатнашишига кўмаклашилади.

Хунармандларнинг экспорт фаолияти ҳам рағбатлантирилади. Уларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, жумладан, банк хисобрақамларидан хорижий валютани нақд ҳолда олиш ҳуқуқи берилади.

Хунармандликни ривожлантириш учун "Устоз-шогирд" анъанаси асосида бу жараёнга ёшларни жалб этиш, хунармандларни шогирд олиш ва хунарга ўргатишга рағбатлантириш, ёш хунармандларга фаолиятини бошлашда ҳар томонлама кўмаклашиш зарурлиги қайд этилди.

Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, хунармандликка кредитлар ажратишни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда соҳада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хунармандларни молиявий-ташкилий қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Тегишли ташкилотлар мутасаддилари зиммасидаги вазифалар белгилаб берилди.

[ЎЗА](#)